# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ КУЙГА АЙЛАНАР, БИР ҚЎШИҚ АЙТМОҚҚА ҚАЛБЛАР ШАЙЛАНАР!

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

5 июль, жума, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 135 (1388)


Бугуннинг гапи

## НАҚД ПУЛ МУОМАЛАСИ: АНИҚ ЙЎНАЛИШ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кеча матбуотда эълон қилинган «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижтимоий ҳаётимизда пул муомаласини яхшилаш, эмиссия даражаси прогнозлари ва касса режалари ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.***

***Мухбиримиз Ўзбекистон Марказий банки пул-кредит сиёсати департаменти директори А.РАҲМОНОВга мурожаат этиб, ушбу қарорни шарҳлаб беришни илтимос қилди.***

— Ўзингизга маълум валютамиз — сўмнинг муомалага киритилганига роппа-роса икки йил бўлди. Ўтган вақт мобайнида республика ҳукумати ва Марказий банк томонидан сўмнинг қадрини ошириш, унинг харид қувватини мустаҳкамлаш юзасидан сезиларли ишлар амалга оширилди. Бироқ, очиғини айтганда, жойлардаги

(Давоми 2-бетда).

# ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТИНГ

**Америка Қўшма Штатларининг Атланта шаҳрида XXVI ёзги Олимпиада ўйинлари бошланишига саноқли кунлар қолди. 4 июль куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ана шу нуфузли мусобақага йўл олаётган мамлакатимиз спорт делегацияси аъзоларини қабул қилди.**



Президент анжуман қатнашчиларини қутлаб, спортчиларимизнинг мустақил давлат вакиллари сифатида олимпиада ўйинларида қатнашиши муҳим воқеа эканини таъкидлади. Зеро, спорт соҳасидаги ҳар бир ғалаба мамлакатнинг жаҳон миқёсида нуфузи ошишига хизмат қилади, ёшлар ўртасида спортнинг оммалашувига, буюк давлат асоси бўлган соғлом авлодни тарбиялаш ишига кўмаклашади. Ислом Каримов бу йўлда олис Америка заминида ўтказиладиган улкан мусобақа қатнашчиларига сабот, яхши кайфият ва сўнмас ирода ёр бўлишини тилади.

Қабул маросимида спортчиларга эсдалик совғалари топширилди. Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий олимпиада қўмитаси раиси С. Рўзиев, спорт фахрийси Р. Салимова, боксчи Н. Отаев, дзюдочи А. Мухторов мамлакатимизда спортчиларга яратилаётган шарт-шароит, кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Президент Ислом Каримовга, республика ҳукуматига миннатдорлик билдирдилар. Олимпиада ўйинларидан ғалаба билан қайтиш, Ватанимиз қудратини яна бир бор намойиш этиш учун бор куч ва маҳоратларини сафарбар этажакларини баён қилдилар.

Учрашувда республика Бош вазири Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, А. Азизхўжаев, Олий Мажлис Раиси ўринбосари Б. Бугров, Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

(ЎзА).

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз спортчилар, қадрдон ўғлонларим ва қизларим!

Ҳурматли мураббийлар!

Сизлар — халқимизнинг фахру ифтихори бўлган спортчилар билан улкан сафарингиз олдидан учрашмоқдамиз. Бу бежиз эмас. Чунки, эл-юртимиз шаъни, Ватан обрўйи яна бир бор синовдан ўтадиган пайтда бутун мамлакатимиз аҳли сизларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда.

Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз насл-насабини, келажак авлодини асраб-авайлаб, унинг қадрини билса, ундай миллатнинг, ундай давлатнинг келажаги буюк бўлиши муқаррар. Зотан, ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир. Чунки сизнинг қиёфангизда бутун миллат ва мамлакат ғурури, келажаги, унинг буюк истиқболини кўрамиз.

Мен бугун сизлар билан нафақат Президент сифатида, балки муқаддас анъаналарга, бой тарихга, беқиёс маънавий қудратга эга бўлган халқимизнинг мўътабар Ўзбекистон заминида яшаётган ва ҳаётнинг машаққатли синовларини кўрган катта авлод вакили сифатида учрашаяпман. Бугун халқимизнинг эътибори ҳақли равишда сиз азиз фарзандларимизга қаратилган.

Мен ҳаммангизни ишонтириб айтмоқчиман. Сизларнинг Атлантага сафарингиз, олимпия ўйинларида иштирок этишингиз ўзи кифоя. Шунинг ўзиёқ ҳар бир ўзбекистонлик учун катта фахр ва ифтихордир.

Нега деганда, сизлар биринчи марта бундай йирик халқаро спорт беллашувларида, ёш, мустақил, кучга кираётган Ўзбекистон давлати номидан иштирок этяпсизлар. Жаҳоннинг энг кучли, ман-ман деган спортчилари билан майдонга тушаяпсизлар.

Шунинг учун ҳам сизлардан биринчи ва асосий илтимосим: қандай гўзал ва бетакрор Ватан, қандай мард ва танти халқ, эл-юрт номидан беллашув майдонига чиқаётганингизни ҳеч қачон, ҳар қандай пайтда унутмасангиз бўлди.

Иккинчидан, сиз қадрли ўғил-қизларимизга, айтадиган гапим шуки, биз ҳаммамиз, бутун эл-юртимиз, катта-ю кичик, кексаю ёш катта ҳаяжон, катта орзу-умид билан доим ортингизда бўламиз.

Беллашаётган вақтингизда, энг оғир, энг мураккаб чоғда, сизга куч ва ирода бағишлаб, мардлик ва шижоатга чорловчи муқаддас заминимиз, не-не полвонлару, афсонавий паҳлавонлар юрти-файзи ва улуғ боболаримиз пок руҳи мадад беражак, иншоолло. Зотан, она халқ меҳр-муҳаббатидек қудратли куч, илоҳий қудрат оламда йўқ!

Яна бир нарсани алоҳида айтмасам, кўпчилик ишончини, юрагимизнинг туб-тубидан жой олган орзу-умидимизни билдирмасам бўлмайди, албатта: агар АҚШ заминида бирон бир марта Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилса, узоқ Америкада Ўзбекистон мадҳияси янграса, билиб қўйинг: бутун халқимиз сиз билан бирга ғалаба нашидасини суради. Бутун аждодларимиз руҳи ҳам сиздан шод бўлажак!

Сизларга улкан сафар олдидан бутун халқимиз номидан оқ йўл тилар эканман, сафарингиз бехатар бўлсин, елкангиз ер кўрмасин, улуғ Ватанимиз ва буюк халқимиз бахтига соғ-саломат бўлинглар, дейман.

Эл-юртингизга, ота-она бағрига соғ-саломат, ёруғ юз билан қайтишингизга тилакдошман.

ФАКТ ВА ШАРҲ

## АҲОЛИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИ

**Омонатга қўйилган пуллар ва суғурта бадаллари индексация қилиниб, аҳолига берила бошланди**

*Ҳаёти давомида жамғарма банкига иши тушмаган одам бўлмаса керак. Кимдир йиққан даромадини маълум муддатга сақлаш учун банкка қўяди. Бошқа биров яхши бир ниятни кўнглига тугиб, маблағини кўпайтира боради.*

*Омади гапни айтганда, бундан давлат ҳам манфаат кўради, жамғарма банкига пул қўйган фуқаролар ҳам.*

***Сўнгги беш йил ичида ижтимоий ҳаётимизда оламшумул воқеалар содир бўлди. Мустақил давлат сифатида ўз эркимизга ўзимиз эга бўлдик. Мутлақо янгича турмуш тарзини тақозо этувчи бозор иқтисодиётига қадам қўйдик.*** *Аммо ҳаёт бир текис давом этмайди.*

*Миллий валютамиз муомалага киритилгунига қадар рублнинг қадри кескин туша бошлади, нарх-наво ўзгарди. Ана шундай ўзгаришлар аҳолининг жамғарма банкларига қўйилган пулларига ҳам таъсир этмай қолмади, албатта. Давлат жамғарма банкларида сақланаётган пул маблағлари, суғурта учун тўланган бадаллар ўз кучи ва қадрини йўқотган эди. Бу, одамлар руҳиятига маълум даражада таъсир кўрсатгани сир эмас.*

***Бироқ Ўзбекистоннинг халқ сайлаган биринчи Президенти истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни давлат сиёсатида асосий йўналиш деб билди.*** *Давлатимиз мустаҳкамлана боргани сари бу халқпарвар сиёсат янада кучайиб, тобора аниқ қиёфа касб эта борди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони ана шундай инсонпарвар сиёсатнинг ёрқин исботи бўлди. Фармонга биноан 1992 йилнинг 1 январига қадар жамғарма банкига пул қўйган миллионлаб фуқароларнинг маблағлари яна қадр топди.*

*Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки,* ***мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб ҳукуматимиз ижтимоий ҳаётни яхшилашга қаратилган ҳар бир чора-тадбирни ўз вақтида изчил амалга ошириб, халқ олдида берган ваъдасини қатъий равишда бажариб келмоқда.*** *Индексацияланган пул маблағларининг 1 июлдан фуқароларга қайтарила бошлангани ҳам ушбу инсонпарвар сиёсатнинг ёрқин намунасидир.*

*Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг раиси Нуриддин* ***МУҲИТДИНОВ*** *ва Ўзбекистон Республикаси Давлат суғурта бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Семён* ***ВАЛЬДМАН*** *билан суҳбатимиз айни шу Фармоннинг ҳаётга жорий этилиши ҳақида бўлди.*

**Н. МУҲИТДИНОВ** — Президентимиз И. Каримов раҳбарлигида давлатимиз томонидан жамият аъзоларининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини ҳар томонлама таъминлайдиган инсонпарвар демократик жамият қуриш дастури

(Давоми 2-бетда).

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА

*Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси айни пайтда муаллифлик ҳамда ноширлик фаолиятига доир бир қанча қонун лойиҳалари устида иш олиб бормоқда. Мухбиримиз уни шарҳлаш учун қўмита котиби*
*Ғайрат РАҲМОНОВга мурожаат қилди:*

— «Ноширлик ва матбаачилик фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини мутахассис ҳамда олимлар билан кўриб чиққанимиздан кейин тегишли вазирлик, қўмита ва депутатларимизнинг ҳам таклиф-истакларини ўрганиб чиқдик. Мазкур Қонун лойиҳаси, айни пайтда, тайёр ҳолатга келтирилди.

Бундан ташқари «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар ҳам киритмоқчимиз. Чунки у бундан анча олдин тасдиқланган бўлиб, давр оммавий ахборот воситалари зиммасига катта вазифалар юклаганидан сўнг, табиийки унинг ҳам айрим жойларини янгилаш ва ўзгартиш лозим. Мазкур Қонун устидаги ишлар, асосан, туғалланди.

Қўмитада, айни пайтда, бошқа бир талай янги қонун лойиҳалари устида ҳам иш олиб борилмоқда. Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда тайёрланаётган «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ана шулар жумласидандир.

UZINFO МАРКАЗИ — ДУНЁ: ЭНГ СЎНГГИ ВОҚЕАЛАР

## МЎҒУЛИСТОНДА ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

***Улан-Батордан олинган хабарларга қараганда Мўғулистон парламентига ўтказилган сайловларнинг дастлабки натижалари демократик кучларнинг ғалабасидан далолат бермоқда.***

Бу коммунистларнинг 75 йиллик ҳукмронлигидан кейин илк бор мағлубиятидир. Парламентдаги 76 та ўриндан 48 тасини демократик кучлар эгаллаган. Коммунистлар аввалги сайловда 70 та ўрин эгаллашган эди. Бу сайловда эса улар бор-йўғи 23 та депутатлик ўрнига эга бўлишди.

## ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ТАДБИР

***АҚШ Сенати ҳимоя санкциялари тўғрисидаги қонун лойиҳасига тузатишлар киритди.***

Энди ҳарбий хизматчилар террористик хуруж пайтида жанговор ва машқ ҳарбий техникасидан ўт очишлари мумкин. Сенатор Сэм Наннинг фикрича, қонун лойиҳасига киритилган ушбу тузатиш муаммони тўла ҳал қилмаса-да, лекин терроризмга қарши курашда муҳим қадамдир.

## МУАММОЛАР ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИЛАДИ

***Исроил Бош вазири Биньямин Нетаньяху Сурия Президенти Ҳафиз Асад билан Дамашқ шаҳрида учрашишга тайёр эканини маълум қилди.***

Учрашувдан мақсад — икки мамлакат муносабатларини тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги музокараларни боши берк кўчадан олиб чиқишдир, деди Исроил Бош вазири журналистлар билан учрашувда.

Исроил ҳукумат раҳбарининг таъкидлашича, учрашувда Яқин Шарқдаги тинчликни сақлаш, Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Хеврон шаҳри муаммоси ва Жўлан тепалиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

## БОКСЧИЛАР БОШПАНА СЎРАШДИ

***Мексикада машқ қилаётган Олимпиада жамоаси сафида бўлган икки нафар кубалик боксчилар — Рамон Гарби ва Жоэл Касамэйер Сан-Диего шаҳри яқинидаги чегарага келиб бошпана сўрашди.***

Улар ҳозирча келгусида қандай ниятда эканликларини ошкор қилишмаяпти.

